



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 35 [14.086]

Баҳоси эркин нарҳда

2020 йил 9 МАРТ, ДУШАНБА

## АЁЛ БАХТЛИ БЎЛСА – ОИЛА, ЖАМИЯТ БАХТЛИ БЎЛАДИ

**Юртимизга яна баҳор келди. Гулгунчалар япроқ ёзиб, новдаларга ҳаёт қони югураётган шу кунларда одамзот ҳам баҳорга ташна, янгиланиш фаслига етказганига шукрона келтиради.**

Бутун борлиқдан тириклик нафаси уфуради, бўғотларга яна қушлар чуғури қайтади, лайлақлар ҳаволаб учади. Қизалоқлар яна соғина толбаргақ тақди, қиз-жувонлар лапар айтади. Ана шундай сурурли дамларда баҳорнинг илк байрами – 8 март қалбимизга кўклам ҳавоси, тириклик, гўзаллик, нафосат ифори билан бирга ташриф буюради.

Баҳор ва аёл – эгизак тушунчалар. Иккиси ҳам ҳаёт давомийлиги таъминлайди. Баҳор ҳам, аёл ҳам инсон кўнглида ҳаётга муҳаббат, эзгу орзу-интилишлар, меҳр ва саховат каби олижаноб ҳиссиётларни уйғотади.

8 март – Халқаро хотин-қизлар кун муносабати билан пойтахтимизнинг “Узакспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида ташкил этилган тантанали тадбирга ҳам бўлганлар кўнглидан ана шу ҳаёлардан ўтган бўлса не ажаб. Мақобатли қошона гул мисол ранг-ранг либосларда яшнаб турган мунис онахонларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган кадрли аёлларимиз хечрасидан ёришиб кетди гўё. Бу гўзаллик кўриб, шоир бўлмаган одамнинг ҳам беихтиёр шеър битгиси, гўзаллики тараннум этгиси келади.

Мақобатли қошонага киревришдан байрамга алоҳида эътибор билан тайёргарлик кўрилгани билинади. Бўз йиғитлар ҳар бир меҳмонни алвон поёндоз ёзилган йўлақдан етаклаб залга таклиф қилади. Улар сафида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ташриф буюрган, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фидокорона фаолият олиб бораётган аёллар, Зулфияноним қизлари, машҳур юрдошларимизнинг оналари бор.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз хотин-қизларини байрам билан муборакбод этиб нутқ сўзлади.

– Ер юзида инсоният пайдо бўлибдики, одамзот муқаддас Она сиймосини, муътабар аёл зотини улуғлаб, ҳаммашарафлаб келади. Оналаримиз шарофати билан Ватанимиз туپроғи жаннат бוגларидек гўзал ва бебаҳодир. Оналар дусидан юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ишимизда унум, ҳаётимизда барака бор, – деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенглигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Аёлларимиз оиласини саришта сақлаш билан бирга жамият ва давлат ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 32 фозизи хотин-қизлардир. Бу кўрсаткич Сенатда ва маҳаллий кенгашларда 25 фозидан ошди.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимизнинг қонун чикарувчи органи аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, бундан 5 йил аввал 128-ўринда эдик.

Муҳтарам аёлларнинг 16 нафари Ватанимизнинг энг олий мукофоти – Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 380 нафардан зиёд хотин-қиз раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Уларнинг сафи тобора кенгайиб борапти. Шу кунларда ташаббускор ва ташкилотчи аёллар туман ва шаҳар ҳокими лавозимларига тайинлангандир.

Ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, илм-фан, тиббиёт, маданият, спорт соҳалари ривожига ҳам назорат ва латофат эгаларининг муносиб ҳиссаси борлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ҳам зиёрати учун йўққан маблагини маҳалладошларига бегараз ёрдам сифатида сарфлаган риштонлик тadbirkор Израбу Усмонова, қишлоқ аҳли учун ўз ҳисобидан “Мумтоз” номли катта кутубхона барпо этган Сайхунободлик Гавҳар Хусанова, 32 ёшда Америка Қўшма Штатларидаги нуфузли Колумбия университетининг профессори бўлган Азиза Шоназарова каби хотин-қизларнинг жайрили ишлари ва фаолиятини алоҳида таъкидлади. Байрам иштирокчилари биргаликда уларни олқиллаш, чўқур ҳурмат ва ташаккурларини билдириди.

Аёлларнинг меҳнат ва турмуш шартлоғларини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида тadbirkорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳамда эришилаётган натижалар хусусида ҳам сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари қизларни энг гўзал фазилатлар, билим ва одоб соҳибалари этиб тарбиялаш жуда улуғ ва шарафли масъулият эканини таъкидлади. Янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, кўпни кўрган нурунийлар, хотин-қизлар фаоллари, хурматли муаллима ва мураббийлар бу саволиб ишга улкан ҳисса қўшишига ишонч билдирилди.

Шавкат Мирзиёев шу эзгу ишларга камарбаста бўлиб, ёш қизларни таълим-тарбия қиладиган ҳақикий мураббийларга кейинги йил 8 март байрамидан бошлаб ҳар йили, ҳар бир вилоятдан икки нафар энг муносиб вакилни давлат мукофоти билан тақдирлашни таклиф этди. Йиғилганлар буни олқишлар билан қўллаб-қувватлади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 март куни қабул қилинган “8 март – Халқаро хотин-қизлар кун муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, соғлом ва баркамол авлод тарбияси, оила ва жамият асосларини мустаҳкамлаш йўлидаги муносиб хизматлари учун бир гуруҳ хотин-қизлар юксак унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди. 4 мартдаги Президент қарорига биноан эса, йигирма саккиз нафар фаол қиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Байрам тадбирида ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Шунингдек, жойларда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича намунали фаолият олиб бораётган 287 нафар хотин-қизга “Муътабар аёл” нишонлари берилди.

Президентимиз ўз нутқида хотин-қизларни эъозлаш, уларга гамхўрлик кўрсатиш масаласида адолат бўлса, аёллар бахтли бўлишини таъкидлади.

– Аёл бахтли бўлса – оила, жамият бахтли бўлади, – деди пировардида Шавкат Мирзиёев.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган хотин-қизлар, турли вазирлик ва идоралар ходимлари тўқин дастурхон атрофида байрамни нишонлади. Тадбирда мамлакатимизда фаолият юритиётган чет эллик дипломат аёллар, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ҳам иштирок этди.

Байрам санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури билан якунланди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам онахонлар!  
Мунис опа-сингиллар!  
Дилбар қизларим!

Авалло, сизларни, бутун Ўзбекистон хотин-қизларини гўзаллик ва нафосат айёми – 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга ўзимнинг энг эзгу ва самимий тилақларимни билдириб, доимо оилангиз ва яқинларингиз, эл-юртимиз ардоғида бўлиш бахтини тилаймман.

Азиз юртошлар!

Ер юзидан онгли ҳаёт пайдо бўлибдики, одамзот муқаддас Она сиймосини, аёл зотини улуғлаб, шарафлаб келади.

Оналаримиз шарофати билан Ватанимиз туپроғи жаннат бугларидек гўзал ва муътабардир. Оналар дусидан юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ишимизда унум, ҳаётимизда барака бор.

Маълумки, муқаддас Куръони каримнинг энг катта сураларидан бири – “Нисо”, яъни, “Аёллар” деб аталади. Аллоҳ таоло ушбу сурада инсонларни аёлларга адолатли муносабатда бўлишга даъват этади ва бу илоҳий сўзлар замирида албатта теран ҳикмат мужассам.

Бир ҳақиқат аёнки, ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини аввало шу юрт аёлларининг маънавий савияси белгилайди.

Буюк сиймоларнинг ҳаётига назар ташласак, уларнинг шах сифатида камол топишида маънавий оналари, доно рафиқалари гоёт муҳим роль ўйнагани аён бўлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тadbirkорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шартлоғларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Бугун сиз, азизларнинг чехрангизда хурсандчилик, шукроналик ифодасини кўриб, ана шундай ишларимиз натижасини оз бўлса-да, ҳис этмоқдамиз. Ва биз мана шу тўғри йўлни давом эттириш, унинг самарасини янада ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Қадрили опа-сингиллар!

Бугунги кунда кенг қўламли демократик ислохотларимиз натижасида аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳараётларида иштироки тобора кучайиб бормоқда. Буни ўтган йил декабрь ойида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар яна бир бор тасдиқлади.

Сайловлар натижасига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фозизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу кўрсаткич Сенатда ва маҳаллий кенгашларда 25 фозидан ошди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, – шунга эътибор беришингизни сўрайман – бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик.

Хозирги вақтда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 380 нафардан зиёд хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда.

Муҳтарам аёлларимиздан 16 нафари Ватанимизнинг энг олий мукофоти – “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлгани барчамизни қувонтиради. Хотин-қизларимиз ўртасида фан докторлари, профессор ва академиклар, “Халқ ўқитувчиси”, “Халқ шоири”, “Халқ артисти” унвонларига сазовор бўлган юзлаб опа-сингилларимиз борлиги – бу бизнинг фахримиз.

Биз хозирги кунда ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, тиббиёт, илм-фан, маданият ва спорт соҳалари ривожига ҳам аёлларимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини юксак баҳолаймиз.

Барчангиз хабардорсиз, миллий парламентида тарихида биринчи марта аёл киши – ҳурматли Танзила Камоловна Норбоева Сенат Раиси лавозимига сайланди.

Юртимизда аёл раҳбарлар – вазирлар, ҳокимлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, банк ва компаниялар раислари, ҳуқуқ-тартибот идораларида, Қуролли Кучларимиз таркибида масъул вазифаларда хизмат қилаётган опа-сингилларимиз сони ортиб бормоқда.

Яқинда ташаббускор ва ташкилотчи аёлларимизнинг муносиб вакиллари гоёт масъулиятли вазифага – туман ва шаҳар ҳокими лавозимларида тайинландилар. Жумладан, Андижон вилоятининг Бўстон туманига – Садбархон Мамитова, Бўҳоро вилоятининг Олот туманига – Нарғиза Незъматова, Наманган вилоятининг Тўрақўрт туманига – Зулфияноним Маҳкамова, Самарқанд вилоятининг Каттақўртон шаҳрига – Гавҳар Алимова, Сирдарё вилоятининг Боёвут туманига – Дилфуза Ҳоролова, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманига – Камолуна Мустафоёва биринчи раҳбар этиб тасдиқландилар.

Эл-юртимизнинг катта ишончини қозонган бу опа-сингилларимиз бугунги анжуманда иштирок этмоқдалар. Уларнинг барчасини самимий табриқлаб, ишларига ютуқ ва омадлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мамлакатимизда ўз фаолияти, эзгу ишлари билан кўпчиликка ибрат ва намуна бўлаётган хотин-қизларимиз кўнаиб бораётган барчамизни хурсанд қилади. Шулар қаторида Фарғона вилояти, Риштон шаҳрида яшайдиган тadbirkор аёл Израбу Усмонова ҳам зиёратига атаб ийлар давомида йиғиб келган маблағини моддий шароити оғир маҳалладошларига бегараз ёрдам сифатида ҳадя қилгани матбуотда кенг ёритилди.

Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, “Ўзбекистон” маҳалласида Гавҳар Хусанова деган фаол сингилмиз бор. Айни вақтда у туман кенгашининг депутати этиб сайланган. Гавҳарнинг қайнониси Гулбаҳор ая ўқитувчилик фаолияти давомида минглаб китоблар тўплаган экан. Гавҳар Хусанова уларнинг ёнига яна кўп адабиётларни кўшиб, қишлоқ аҳли учун ўз ҳисобидан “Мумтоз” деб номланган катта кутубхона барпо этгани таҳсинга лойиқ.

Яқинда оммавий ахборот воситалари орқали истеводли ёш олима Азиза Шоназарованинг Америка Қўшма Штатларидаги нуфузли Колумбия университетининг профессори этиб тайинлангани ҳақида хушхабар тарқалди.

(Давоми 2-бетда)

## ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛДИ

**Хабар қилинганидек, Президент Шавкат Мирзиёев 7 март куни Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Пойтахтимизда 2020-2022 йилларда умумий қиймати 9 миллиард 884 миллион долларлик 762 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Уларнинг 122 таси давлат дастури, 640 таси ҳудудий инвестиция дастурлари доирасидадир.

Хусусан, саноат соҳасида 1 миллиард 590 миллион долларлик 242 та лойиҳа, хизмат кўрсатиш йўналишида 4 миллиард 966 миллион долларлик 337 лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган. Замонавий турар жой қурилиши бўйича 3 миллиард 328 миллион долларлик 183 та объект бунёд этилиши кўзда тутилган.

Йиғилишда ҳар бир тумандаги истиқболли лойиҳалар тақдими ўтказилди.

“Сергели” индустриал парки” кичик саноат зонасида амалга оширилаётган умумий қиймати 350 миллион долларлик, Яшнобод туманидаги Технопаркда умумий қиймати 418 миллион долларлик лойиҳалар уларнинг энг муҳимларидан.

Яққасарой кичик саноат зонаси ҳудудига ташкил қилинадиган Тошкент ишбилармонлик маркази, “Юнусобод сити”даги замонавий турар жой, кўнгличор ва ишбилармонлик марказлари ҳам шаҳар ривожига хизмат қилади.

– Инвестиция ва экспортдан мақсад, иш жойи, кўшимча даромад. Тошкентда бу борада жуда катта ресурслар бор. Хозирча уларнинг ярмидан ҳам фойдаланилмаяпти. Шунинг учун ҳар бир туман кесимида кичик ва ўрта корхоналарни ўрганиб, ишлаб чиқариш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш, халқимизга кафолатланган даромад манбаи яратиш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

2020 йилда жами 4,8 миллиард доллар инвестициялар ўзлаштирилиши натижасида 400 дан ортиқ лойиҳа фойдаланишига топширилиши маълум қилинди. Булар доирасида 32050 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Шунингдек, жорий йилда 710,5 миллион доллар миқдорда экспорт қилиниши мўлжалланган. Унинг қарийб 674 миллион доллари саноат маҳсулотлари, 36,5 миллион доллари мевасабзавот маҳсулотларига тўғри келади.

– Олтирқик тумани 120 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилапти. Тошкентдаги саноат объектлари, коммуникация уларда йўқ. Пойтахтда зарур инфраструктура бор. Ҳокимлар ертўлани тозалаш билан шугулланадиган вақт ўтди. Энди туман раҳбарлари тadbirkорликни ривожлантириб, тadbirkорларни айланма маблағлар билан таъминлаб, экспортга кўмаклашиб, улар билан манзилли ишлаши керак. Сизлар ўзгармас экансиз, вазият ўзгармайди, – дея таъкидлади Президент.

Инвестициялар жалб этиб, зарурат бўлса, ташқи бошқарува бериб, саноатнинг янги йўналишларини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА



### МАМЛАКАТИМИЗДА

• “Navoiyazot” акциядорлик жамиятига ташкил этилган наватбатдаги пресс-турга “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ж.Мирзамажмудов ва корхона бошқаруви раиси Б.Шарипов ҳамроҳлик қилди. “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда тизимдаги корхоналарда амалга оширилаётган ишлар ҳақида “Navoiyazot” АЖ мисолида маълумот берилди. Пресс-тур доирасида иштирокчилар қатор цех ҳамда технологик объектларда бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Уларга 2019 йил якунида ишга таширилган Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси, шунингдек, янгидан барпо этилаётган азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш ва бошқа инвестиция лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

• Қурилиш вазири ўринбосари Козим Тўлаганов Тошкент вилояти Чиноз туманида сайёр қабул ўтказди. Унда Тошкент вилояти қурилиш босқунчилик, Тошкент вилояти ҳудудий назорат инспекциясида вакиллар ҳамда вилоят архитекторлари иштирок этди. Янги йўл шаҳридан Камрон Абдураҳмонов энгил типдаги акли бекат куриш ташаббусини билдириди. Мутасаддилар томонидан унга бу борада айнан нималарга эътибор бериш зарурлиги борасидаги кўрсатмалар айтилиб, бекатнинг лойиҳасини тайёрлашда туман архитектор томонидан кўмак берилиши айтилди. Шунингдек, сайёр қабулда бугунги кунда туман микёсида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари хусусида аҳолига кенг тушунтirilish

ришлар берилди. Жумладан, тез кунларда туман шифохонаси кўллаб қулайликларга эга бўлган янги ва замонавий бинода фаолият бошлаши, ҳозирда туман ҳудудига илк мартаба канализация қувурларини ётқизиш ишлари амалга оширилаётгани ҳақида маълумотлар берилди.

• Термизда “Сурия ва Ироқдан қайтариб олиб келинганларни реабилитация ва реинтеграция қилиш бўйича Марказий Осий мулоқоти: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференциянинг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари вазирилари, идора ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, қатор хорижий экспертлар, шунингдек, вилоятдаги давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

### ЖАҲОНДА

• Коронавируснинг жаҳон иқтисодига салбий таъсир қилиши эҳтимоли

фонд бозоридаги хавотирларга сабаб бўлгани боис дунёнинг энг бадавлат ишонлари бир кунда 139 миллиард доллар йўқотишди. LVMH компаниялар гуруҳи бош директори Бернар Арно ва Amazon Zaga ҳўжайини Амансио Отрега тўрт миллиард, Марк Цукерберг эса 3,48 миллиард доллар йўқотди. Дастлабки ўнлашдаги колган миллиардерларнинг бойлиги камиди 2,3 миллиард доллардан камиди. Америка фонд биржалари индекси 3 фоздан ортиқроққа тушиб кетди. Европадаги фонд биржаларида ҳам кескин пасайиш кузатилди. Инвесторлар коронавируснинг тарқалишидан хавотирга тушган, чунки у Хитой ва бутун дунё иқтисодидиёти учун хатар уйғотади.

• АКШнинг Тенесси штатида торнадо хуружи натижасида 22 киши ҳаётдан кўз юмган. Жароҳатланган 150 нафар одамга тиббий ёрдам кўрсатилди, умумий йилга вайрон бўлди, кўчаларни сув босди. Ушбу табиий офат мамлакат тарихидаги энг кучли торнадолардан бири сифатида қайд этилди.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТНАЛАНИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пойтахтимизнинг Қорақамиш даҳасида вояга етиб, Тошкент шарқшунослик институтида, кейинчалик Польша ва АКШдаги машҳур университетларда таълим олган Азизахон 32 ёшида тарих ва диншунослик йўналишида фан доктори бўлгани, 500 та талабгор орасида конкурсида ғолиб чиқиби, ана шундай юксак илмий даражага эришгани олқишга сазовордир.

Бу синглимизнинг айна вақтда яхши оила бекаси ва она экани, араб, форс, турк, рус, инглиз, француз, немис, поляк тилларида эркин мулоқот қилиши, эришаётган юксак натижалари мамлакатимиз ёшлари учун чинакам ибрат намунаси бўлади, деб ишонаман.

Азизахон ўз хурсандчилигини юртдошлари билан баҳам қўриш учун олис йўл босиб, АКШдан Ўзбекистонга етиб келди. Келинлар, ёш олиманинг самимий табриклари, унга янада улкан ютуқлар тилайлик.

Айна вақтда бугунги тантанали маросимда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Хитой Халқ Республикасининг Фавкуллода ва Мухтор элчиси Цзян Янь, Миср Араб Республикасининг Фавкуллода ва Мухтор элчиси Амиан ал-Итвр, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий координатори Хелена Фрейзер ва Тараққиёт дастурининг доимий вакили Матильда Димовска, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ваколлатхонасининг раҳбари Лиан Куппенс, Халқаро Қизил ҳў кўмитасининг минтақавий ваколлатхонаси раҳбари Сангита Кёнинг, Осий тараққиёт банкнинг доимий ваколлатхонаси раҳбари Синтия Мальвичини хонимларни қўриб турганимиздан бе-ниҳоя мамнунмиз.

Мамлакатимиз билан самарали ҳамкорликни ривожландиришга муносиб ҳисса қўшаётган ана шу хурматли меҳмонларимизни Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклаб, эзгу тилакларимизни билдирishiга руҳсат бергайсиз.

Қадрили анжуман катнашчилари! Ҳуртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оғирини енгилиш мақсадида ўтган йилги салмокчи ишлар бажарилди. Жумладан, аёлларимиз учун жами 170 мингга яқин иш ўрни яратилди. Тижорат банклари ва Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 172 мингдан ортққ опа-сингилларимизга 4,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.

Республикамизнинг барча ҳудудларида Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилди. Бугунги кунда улар томонидан 28 мингга яқин опа-сингилларимизга тадбиркорлик, хунармандлик, касбга қайта тайёрлаш, бандликни таъминлаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасида 21 минг 500 нафар қизларимиз қисқа муддатли касб-ҳунар курсларида ўқитилди.

Ана шундай имкониятлар тугайли тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган аёллар сони бир йилда қарийб 45 минг нафарга қўпайиб, улар томонидан минглаб янги иш ўринлари барпо этилмоқда.

Мамлакатимизда жамият негизи бўлган оила институти, ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш бўйича ҳам эътиборга лойиқ ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, хонадонлардаги ўзаро келишмовчилик ва низооларни бартараф этиш, оилавий ажримлар сонини камайтириш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кенг қамровли ишлар бажарилмоқда. Уларни ижобий баҳолаган ҳолда, бу ютуқлар биринчи қадамлар эканини, ҳали бу соҳада қўрадиғи ишларимизни жуда қўпчилигини ҳам таъкидлаш лозим.

Албатта, ҳаёт деган нарса синов ва машаққатларсиз бўлмайди. Лекин арзиманган қийинчиликка ҳам сабр қилмасдан, муқаддас оила қўргонини бузиш, ажримларга йўл қўйишни барчамиз миллий урф-одатларимизга, меҳр-оқибатли, андишали халқимизга мулкко ярашмайдиган ҳолат, деб баҳолашимиз зарур. Нега деганда, агарки биронта оилада нотинч вазият ҳукмрон бўлса, ўзаро низолар тугайли бегуноҳ болалар тирик етимга айланадиган бўлса, ёрдам ва қўмакка муҳтож инсонлар ўз холига ташлаб қўйилса, бундай ҳолатга қарши ҳаммамиз биргаликда курашимиз керак.

Ҳозирги вақтда аёлларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга доир дастурларимиз ўзининг дастлабки самарасини бера бошлади. Хусусан, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган ишлар тугайли 2019 йилда оналар ва гўдаклар ўлими сезиларли равишда камайтгани ҳам шундан далолат беради.

Хотин-қизларнинг муружаатлари билан ишлаш бўйича ҳам мухтазаам иш олиб борилмоқда. Шу мақсадда 2019 йили 141 минг 500 дан ортққ опа-сингилларимиз турли масъул идоралар ходимлари томонидан қабул қилиниб, улар кўтарган муаммоларнинг аксарият қисми ижобий ҳал этилганини айтиш зарур.

Ўтган даврда юртимиздаги 197 та туманда зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда билб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган аёлларга нисбатан кечиримли бўлиш, уларни соғлом ҳаётга қайтаришда хотин-қизлар ташкилотлари фаол иштирок этмоқда. Бунинг натижасида 261 нафар хотин-қизлар ушбу ташкилотларнинг қафиллиги асосида суд залидан озод қилингани халқимизга хос инсонпарварлик намунасициди.

Ана шундай хайрли ишларимизнинг мантикий давомий сифатида мен куни кеча Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан ана бир муҳим тарихий фармонга имзо чеқдим. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, озодликдан махрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пўшаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 83 нафар хотин-қизлар афе этилди. Улар байрам арафасида ўз оиласи, яқинлари, фарзандлари бағрига қайтиш имконига эга бўлди.

Ана шу афе этилган аёлларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш кечириб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўмак бериш бўйича масъул идоралар томонидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, кенг жамоатчилик ҳам фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Муҳтарам юртдошлар! Барчангизга маълумки, январь ойида Олий Мажлисга йўлланган Муружаатномада халқимиз, жумладан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали таъминлаш бўйича қўпгина долзарб вазифаларни белгилалаб олди. Ҳозирги вақтда уларни амалга ошириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга оид давлат сиёсати самарасини ошириш бўйича Президентнинг махсус фармони ва қарори қабул қилинганидан хабарингиз бор.

Оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаро-

ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни қучайтириш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Ҳеч кимга сир эмас, илгари маҳалла ва хотин-қизлар идораларига нисбатан талаблар кўп эди. Лекин, афсуски, бунинг учун уларда имконият ва ваколлатлар етарли эмас эди.

Бугунги кунда хотин-қизлар манфаатларини оила, маҳалла ва жамият манфаатларидан ажратган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Ана шу масалаларни комплекс ҳал этиш, бу борада давлат сиёсатини янада юқори босқичга ўтатириш – янги вазирлиқнинг асосий вазифаси эди белгиланди.

Маҳаллаларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, **22 март санасини юртимизда – Маҳалла тизими ходимлари куни** деб эълон қилдик. Насиб этса, бу янги байрамни биринчи бор шу йил Наврўз кунларида сизлар билан биргаликда кенг нишонлаймиз.

Қадрили дўстлар! Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг соғлом ва баркамол бўлиб, замонавий билим ва касб-ҳунарларни ўрганиб, жамиятда муносиб ўрин эгаллашини астойдил истади. Айни шу эзгу мақсадларга эришиш учун мамлакатимиз таълим ва тарбия тизимида мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилалаётгани сизларга яхши маълум. Жумладан, жорий йилда таълим-тарбиянинг пойдевори бўлган болалар боғчалари сонини кескин ошириш бўйича кенг қамровли амалий ишлар олиб борилмоқда.

Қўйслаш учун бир мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман. Агар ўтган йилнинг биринчи чорагида юртимизда жами 9 минг 700 тадан ортққ боғча бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 14 минг 50 тани ташкил этмоқда, яъни бир йилда 4 минг 350 тага ортди.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз билан бу йил болаларни мактабга таълим муассасаларига қамраб олиш даражасини ҳозирги 54 фоиздан 60 фоизга етказамиз. Натижада боғча тарбиясини олаётган фарзандларимизнинг сони бир йилда 400 мингга кўпайиб, жами 1 миллион 800 минг нафарга етади.

Бу соҳада биз албатта катта иш қилдик. Аммо бу рақамлар ҳали бизни қониктирмайди. Нега деганда, биз бу масалада маррани балад олганми. Бунинг замирида жуда катта маъно, мақсад бор. Чунки **боғча тарбияси нафақат боланинг ўзига, балки унинг ота-онасига ҳам, қолаверса, бутун жамият ҳаётига ҳам кучли ижобий таъсир кўрсатади. Боласи боғчада, муносиб шароитда тарбия топаётганини кўрган аёл киши албатта хотиржам қайғитиш, шукроналик билан яшади.**

Ҳозирги кунда мамлакатимизда мактаб таълимини ривожландириш умумхалқ ҳаракатида айланб бормоқда. Шу кунларда **“Замонавий мактаб”** дастури ишлаб чиқилмоқда. Педагог қадрлар тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш бўйича ҳам катта ишларни бошладик.

Бу борада биз таълимнинг барча босқичларида қиз болалар тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Буюк алломаларимиз, атоқли адибларимиз номларидиғи мактаблар, Президент мактаблари барча ёшларимиз қатори илм-фан ва санъатга интилувчи қизларимиз учун ҳам кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Албатта, ёш қизларимизни асраб-авайлаш, уларга тўғри тарбия бериш, мустақил ҳаётга тайёрлаш, халқимизга муносиб фарзандлар этиб қамолга етказиш учун давлат ва жамият ўз зиммасидаги барча ишларни бажаради. Лекин бу ўта муҳим вазифани адо этишда оиланинг, меҳрибон бувиларимиз, мунис оналаримиз, маҳалладаги қайвони аёлларнинг ўрни ва таъсирини ҳеч қим босолмайди.

Шу ўринда рухсатингиз билан, машҳур шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг икки қатор шеърини ўқиб бермоқчиман:

**Қиз бор унинг файзи бўлак, дейдилар,  
Жаннат йўли – қиз бор йўлак, дейдилар.  
Қаранг, қандай маъноли, қандай ҳаққоний сўзлар!  
Шу муносабат билан бугунги даврамизда шитирок этаётган ва мени эшитиб турган муҳтарам опа-сингилларимизга муружаат қилиб айтмоқчиман: **кељагагимизнинг бахту иқболи бўлган қизларимизни энг гўзал фазилатлар, билим ва одоб соҳиблари этиб тарбиялашнинг ўз эътиборингизга, ўз масъулиятингизга олсангиз, давлатимиз ҳам, халқимиз ҳам сизлардан чеқсиз миннатдор бўлади.****

Бу борада янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, кўпни кўрган нурониёлари-миз, хотин-қизлар фаоллари, хурматли муаллими ва мураббийлари, Ўзбекистоннинг барча жонқур аёллари ушбу ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ёш қизларимизга муносиб таълим ва тарбия беришдек гоят машаққатли, аммо олижаноб ва савобли ишга улкан ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, мен бугун бир тақлиф билан Сизларга муружаат қилмоқчиман: **мана шу эзгу ишларимизга қамарбаста бўлиб, ёш қизларимизга устозлик қилиб, уларга таълим-тарбия берадиган ҳаққоний мураббийларни рағбатлантириш мақсадида келгуси йил 8 март байраминдан бошлаб ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафардан энг муносиб вакилни давлат муқофоти билан тақдирлашни тақлиф этаман.**

Хурматли тадбир иштирокчилари! Таълим-тарбия масаласида кўп йиллар бизни қийнаб келган оғир муаммолардан бири – бу олий ўқув ортлари-га қабул квоталарининг чеklangани билан боғлиқ эди. Масалан, 2-3 йил аввал олий таълим муассасаларига қабул даражаси йилга 60-70 минг кишини, бошқача айтганда, мактаб битирувчиларининг атиғи 9 фоизини ташкил этар эди.

Шунинг учун бу соҳада ҳам жиддий ислохотларни бошладик. Ўтган йили тарихимизда биринчи марта 150 минг нафар ёшларимиз талабаликка қабул қилинди. Шу тариқа мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 20 фоизга етказдик.

Албатта, бу ишлар осонлик билан бўлаётгани йўқ. Бунинг учун мавжуд моддий-техник, ўқув-услугий базани мустаҳкамлаш, олий ўқув ортлари тармоғини кенгайтириш, профессор-ўқитувчилар, педагоглар, илмий ходимларнинг профессионал малакасини ошириш учун катта куч, маблағ ва имкониятларни сафарбар этишга тўғри келмоқда. Лекин қанчалик қийин бўлмасин, фарзандларимиз тақдирини ўз қўлига олиш, келажакимиз учун биз ишлар кўламинини янада кенгайтирган ҳолда, албатта амалга ошираемиз. Олий таълимга қамров кўрсаткичини жорий йилда қамиди 25 фоизга, келгусида эса 50-60 фоизга етказамиз.

Аёлларнинг илмий ва маданий савиясини юксалтириш, уларни муносиб иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида бу йил қизларимиз учун олий ўқув ортларига алоҳида қабул квоталари жорий этилади. Буям тарихимизда биринчи марта қўлағанаётган тажрибадир. Чунки ўқимишли, олий маълумотли аёл оилада ҳам, ишда ҳам, жамият ҳаётида ҳам ҳамма нарсига илм-маърифат билан, онгли ва фаол ёндашади ва муносиб иштирок этади.

Бинобарин, агар биз фарзандларимизни соғлом ва баркамол, Ватанга содиқ инсонлар этиб вояга етказиш ниятида эканмиз, аввало хотин-қизлар учун илм-фан ва касб-ҳунар йўлларини кенг очиб беришимиз керак.

Агар биз бўлғуси хоразмийлар, фаргонийлар, барунийлар, бухорийлар, улугбеклар, невоийларни тарбияламоқчи эканмиз, биринчи навбатда, ҳар томонлама соғлом, юксак билимли ва маънавиятли оналарни тарбиялашимиз зарур.

Биз жорий йилга юртимизда **Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили**, деб ном бердик, бу борада Давлат дастурини қабул қилдик. Ана шу дастурни ишлаб чиқишда биз аввало хурматли оналаримиз, опа-сингилларимизнинг орзу-истаклари, талаб ва эҳтиёжларини ҳам инобатга олдик. Бу борада ўз олдимиизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда ҳам, бутун халқимиз қатори, сиз, азизларнинг бой билим ва тажриба-бангиз, маданий ва маърифий салоҳиятигизга таянамиз.

Аёлларимиз ҳаётини муаммолари, оила ва маҳалладаги ўткир масалаларни, уларни бартараф этиш йўлларини, жамиятнинг томир уришини бошқалардан кўра яхшироқ биладилар. Улар ўзларининг меҳрибонлиги, юксак масъулият туйғуси, меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнак бўла оладилар.

Биз давлат ва жамият бошқарувида, вазирилик ва идораларда чуқур билим ва малакага эга бўлган ташаббускор опа-сингилларимизга раҳбарлик лавозимларини ишониб топшириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттираемиз.

Бу масала шахсан Президентнинг назоратида бўлади. Муҳтарам опа-сингиллар! Ҳабарингиз бор, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш устувор вазифа этиб белгиланди ва бу йўналишда кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширишни бошладик.

Бир ҳақикатни аниқ тушуниб олишимиз керак: **камбағалликни қисқартириш учун биринчи навбатда ишонлики камайтириш керак. Аввало, аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларнинг иқтисодий ва молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда, айниқса аёлларимизда тадбиркорликка иштиёқни уйғотиш зарур.**

Биз бу борада жаҳон ҳамжамияти тажрибасини атрофида ўрганиб, халқаро ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Айни вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банк каби нуфузли халқаро ташкилотлар, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа давлатлар билан тадбиркорлик ва ҳусусий бизнесни ривожлантириш, камбағалликка қарши кураш бўйича шу йилнинг ўзида 700 миллион долларлик дастурларни амалга оширишни кўзда тутмоқдамиз.

Шу кунларда Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси бошчилигида тузилган республика ишчи гуруҳи вилоятларда бўлиб, турмуш шароити оғир бўлган хотин-қизларнинг аҳолини ҳар бир ҳудуд бўйича аниқ таҳлил қилиб, уларга амалий қўмак бермоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан қишлоқ жойларда яшаётган аёлларнинг, мустақил ҳаётга қираётган қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича ҳар бир маҳалла кесимида дастурлар ишлаб чиқилиб, ижроси ташкил этилмоқда.

Ишчи гуруҳнинг куну тун узлуқсиз ишлайдиган, хотин-қизларнинг муружаатларини қабул қиладиган “Ишонч телефонлари” ёки замонавий тилда айтганда, “Колл-сентр” фаолияти йўлга қўйилди.

Энди мамлакатимизнинг исталган шаҳар ёки қишлоғидан, чекка овулардан ҳам аёлларимиз 1211 қисқа рақамини териби, ушбу марказга бевосита муружаат қилиш имконига эга бўладилар. Биз буни халқ билан самарали мулоқот олиб бориш йўлидаги бошлаган ишларимизнинг мантикий давом, деб баҳолаймиз.

Хурматли ватандошлар! Маълумки, юртимизда хотин-қизларнинг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг меҳнатини муносиб қадрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, ҳар йили мамлакатимиз бўйича 28 нафар истеъдодли қизларимиз улуг шоиримиз Зулфия номидаги Давлат муқофоти билан тақдирланади.

Ҳозирги вақтда ушбу муқофотга сазовор бўлганлар сони 311 нафарга етди. Бу йил уларнинг сафига яна 28 нафар ўз соҳасининг энг иқтидорли вакиллари бўлган азиз фарзандларимиз қўшилмоқда. Улар ўзларининг самарали меҳнати, ёрқин истеъдоди, ибратли фазилатлари билан барча тенгдошларига ўрнак бўладилар, деб ишонаман.

Шу кунларда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича намунали фаолият олиб бораётган хурматли опа-сингилларимиздан 287 нафари “Мўътабар аёл” нишонини билан тақдирландилар.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасини бундай эътироф билан самимий табриқлашга ижозат бергайсиз.

Ушбу кутлуғ айём арафасида Президент Фармонига мувофиқ Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, соғлом ва баркамол авлод тарбияси, оила ва жамият асосларини мустаҳкамлаш йўлидаги муносиб хизматлари учун бир гуруҳ қадри аёлларимиз юксак унвон, орден ва медаллар билан муқофотландилар.

Бугун сизларнинг ҳузурингизда ана шундай опа-сингилларимизнинг муносиб вакилларига ҳамда Зулфия номидаги Давлат муқофотига сазовор бўлган қизларимизга давлатимизнинг юксак муқофотларини топшириш менга катта мамнуят бағишлайди.

Қадрили анжуман иштирокчилари! **Ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлган мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимизга муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, уларни рози қилиш – барча даражадаги раҳбарларнинг нафақат хизмат вазифаси, балки, энг аввало, инсоний бурчидир.**

Азиз опа-сингиллар! Ушбу шукӯҳли айёмда бутун халқимиз дилидаги эзгу тилакларни муассам қилиб, айтмоқчиман: янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги фидокорона меҳнатингиз учун Сизлардан чеқсиз миннатдоримиз.

Ақл-заковатингиз, меҳр-оқибатингиз, сабру қаноатингиз билан барчамизга ибрат бўлиб, гўзал юртимизда тинчлик ва ҳамжихатликни сақлашга беқиеёс ҳисса қўшиб келаётганингиз учун Сизларга минг бора ташаккур.

Сизларни гўзал байрамингиз билан ана бир марта табриклаб, барчангизга тинчлик-хотиржамлик, мустақам саломатлик тилайман.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСINI ЎТАЁТГАН БИР ГУРУҲ МАҲҚУМА АЁЛЛАРИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

**Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган айрим маҳқума аёлларни афв этиш юзасидан билдирилган ташаббуси доирасида Президент хузуридиғи Афв этиш масалалари бўйича комиссия, бошқа мутасадди идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳ ташкил этилиб, бевосита жойларга чиққан ҳолда маҳқума аёлларнинг шахсини ўрганиш ва улар билан якка тартибда сўхбатлар ўтказилиши таъминланди.**

Ўтказилган тадбир якуни бўйича Комиссиянинг адашиб, билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пўшаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ маҳқума аёлларни афв этиш ҳақидаги тақлифи Давлатимиз раҳбари томонидан маълум қилинган, “Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан озодликдан махрум этиш жазосини ўтаётган бир гуруҳ маҳқума аёлларни афв этиш тўғрисида”ги Фармон имзоланди.

Фармонга мувофиқ жазо муддатини ўтаётган **83** нафар аёллар афв этилди.

Афв этилган аёлларнинг **12** нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, **29** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, **17** нафарига тайинланган жазо энгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, **58** нафар аёл жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинмоқда. Шунингдек, **25** нафар маҳқума аёлга тайинланган озодликдан махрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг **7** нафарини чет эл фуқарolari ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда халқимизга хос аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш, бағрикенглик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик ва кечиримли бўлиш каби эзгу фазилатларнинг намоён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган аёлларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўмак бериш юзасидан масъул вазирилик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 6 мартдаги “8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан муқофотлаш тўғрисида”ги фармони мувофиқ, давлат ва жамият ҳаётини фаол меҳнат қилаётган, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ хотин-қизлар фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди.**

# ФИДОЙИ АЁЛЛАР МУНОСИБ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасида давлатимизнинг юксак унвонларига сазовор бўлган ишлаб чиқариш тармоқлари, тадбиркорлик, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ аёлларга Президентимиз номида ана шу муқофотлар тантанали топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Арипов мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш



## ТОШКЕНТДАГИ ИНҲА УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЛК "CO-LEARNING CENTER" МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

**Тошкентдаги Инҳа университети (IUT)да ушбу таълим даргоҳида таълим олувчи истеъдодли талабалар учун Ўзбекистондаги ilk "Co-Learning Center" очилди.**

Келгусида бу каби таълим марказлари мамлакатимиздаги бошқа ўқув муассасалар қошида ҳам очилиши кутилмоқда. Хусусан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳам ана шундай марказни ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, ушбу таълим лойиҳаси истеъдодли талабаларни ўқитишга мўлжалланган. Улар "Co-Learning Center"да веб-дастурлаш, мобил қурилмалар учун иловалар яратиш, компьютер ўйинлари, 2D ва 3D-моделлаштириш, рақамли маркетинг ва киберхавфсизликни ўрганади.

Марказнинг таълим жараёни "Digital Generation Uzbekistan" методикасига асосланган, шу боис у талабалар ва ёш малакали кадрларга муҳтож компаниялар ўртасида ўзига хос боғловчи бўлин ва-зифасини ўтайди.

Лойиҳа яратувчилари йилига middle даражаси-

даги 400 нафаргача junior-дастурчиларни, 100 нафаргача senior-дастурчиларни тайёрлашни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган. Ҳозирги пайтда "Co-Learning Center"да фақат Тошкент Инҳа университетида таҳсил олаётган талабаларгина таълим олиши мумкин. Марказ таълим даргоҳи аудиторияларида ўқитишдан ташқари, ҳудудлар бўйича кўча мини-курслар, вебинарлар ўтказиш, видеодарсларни тайёрлашни ҳам режалаштирмоқда. Барча ўқув тadbирлари мутлақо bepул ўтказилади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда junior, middle ва senior даражасидаги дастурчилар ваколатлари даражасини белгилаш бўйича турли ёндашувлар мавжуд. Кўпинча бунини иш тажрибаси билан боғлашади – бу энг оддий, тушунарли ва нотўғри усул. Агарда унинг мураккаб ишлаш даражаси ва бажариши мумкин бўлган вазибаларни биринчи ўринга қўядиган бўлса, ушбу тушунарлар ҳақида бутунлай бошқа тасаввур пайдо бўлади.

Масалан, junior-дастурчи фақат кичик, мураккаб бўлмаган ва аниқ вазибаларни еча олади. Муста-

қил ишлаш бўйича ҳам у етук эмас – унинг билимлари кам, саволлари эса кўп, ўқитувчи ёки яхши жамоа билан доимий ишлаши керак. Агар унинг ўқитувчиси бўлса, у бир йилда ушбу босқичдан ўтиши ҳам, 10-15 йилгача шу босқичда қолиб кетиши ҳам мумкин.

Middle-дастурчи жанрларда чиниққан бўлади. У кўп нарсани билади ва мустақил ҳаракат қила олади. У масъулиятни ҳис қилади, қарорларни ҳам техник янгиликлар, ҳам бизнес ва фойдаланувчилар нуктаи назарини ҳисобга олган ҳолда қабул қила олади. Умуман олганда, кўпчилик дастурчилар шу босқичда бўлишади.

Senior-дастурчи нима қилиш кераклигини ва унинг сабабини сизга айтиб бера олади. У лойиҳадаги ўз қисмини жуда яхши билади ва уни ривожлантириш йўналишини шакллантиради. У энг катта ва қийин вазибаларни билиши, юксак даражада ишлаш олиши ва мураккаб ўзaro ҳаракатлар ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиши мумкин. Кўпинча бу босқичда ихтисослашув пайдо бўлади.

Айрим компанияларда босқичлар ўртасидаги алмашув аттестация билан бирга кечади. Бу албатта, расмийтаҳлик ҳисобланади. Аслида, профессионал ўсиш узлуксиз ва кундалик жараён бўлиб, унда бўлган сени қандай ном билан аташлари эмас, бугун кечагидан кўра яхшироқ дастурчи бўлганинг муҳимроқдир.

Роман БОНДАРЧУК

### Хабарлар

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан Ўзбекистон давлат хореография академияси ўртасида миллий рақсларни ривожлантириш бўйича ўзарo англашув меморандуми имзоланди.**

### ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Келишув доирасида халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида миллий рақслар тарғиботи ўтказилиб, тўғрақлар ташкил этилади.

Маълумки, академияда миллий рақслар бўйича таълим берувчи хореограф-ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари фаолият юритади. Шунингдек, академияда миллий рақсларга қизиқиши бўлган иқтидорли ўқувчиларни саралаш бўйича махсус гуруҳлар ташкил этилган.

Томонлар ўқувчи-ёшларнинг хореография ва миллий рақсларга бўлган қизиқишини ривожлантириш учун барча имкониятни ишга солади. Шу билан бирга, бошқа қўшма тadbирларни ўтказиб, ўзарo муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантиради.

### МУСИҚА САНЪАТИ БИЛИМДОНЛАРИ

**Ўзбекистон давлат консерваториясида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тadbiri бўлиб ўтди.**

Тadbирда мамлакатимизда хотин-қизларга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида экани таъкидланди.

Ўзбекистон давлат консерваторияси педагогик жамоасида ҳам, талабалар сафида ҳам аёл-қизлар салмоқли ўринни эгаллайди.

Моҳир педагог аёллар мусиқа санъатининг турли йўналишлари бўйича ёшларга устозлик қилаётган бўлса, хоржий танловларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилаётган мусиқачи қизлар ҳам кўплиги қувонарлидир.

– Юртимизда аёлларга нисбатан ҳамиша мунис она, қадрдон опа, бегубор қалбли сингилдек эъзозли муносабатда бўлиган, – деди ушбу олий ўқув юртининг ўзбек ва хоржий тиллар кафедраси доценти Сайёра Ҳамдамова. – Жорий йилда менинг ҳам камтарона меҳнатларим эътироф этилиб, "Муътабар аёл" кўрак нишонига сазовор бўлдим. Бундан кўнглим тоғ қадар юксалди.

Тadbирда профессор-ўқитувчилар, талаба-қизлар фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Аёл, меҳр, муҳаббат, бахорни мадҳ этувчи концерт дастури барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

### АДАБИЙ-МУСИҚАЛИ ТАДБИР

**Тошкент шаҳар "Bilim" ахборот-кутубхона маркази тасарруфидаги Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон номидаги кутубхонада 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан "Истиқлол аёли" номли адабий-мусиқали тadbir бўлиб ўтди.**

Тadbir "Янги Ўзбекистонни аёллар билан қура-миз", "Аёл мадҳини тараннум этган асарлар" мавзусидаги адабий кўргазмаси билан бошланди.

– Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир аёл чин маънода бахтлидир, – деди Тошкент шаҳар "Bilim" ахборот-кутубхона маркази директори Ҳафиза Каримова. – Мамлакатимизда хотин-қизларнинг саломаатлигини мустаҳкамлаш, уларни қадрлаш, оғирини енгил қилиш, ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда оналарга кўмакдош бўлишга қаратилган умумий миллий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, салоҳиятли, Ватанмиз тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ўғил-қизлар воға етмоқда. Бу ҳар бир она, аёл учун катта бахт.

Тadbirнинг иккинчи қисмида баҳор, аёл, она Ватанни мадҳ этувчи концерт дастури намойиш этилди. Бир гуруҳ фаол аёлларга ташкилотчилар томонидан ташақкурномалар топширилди.

(ЎЗА)

## БАРЧА РЕЖАЛАР ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БАМАСЛАХАТ ТУЗИЛАЁТГАНИ ДЕМOKPАТИЯНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧИДИР

**Ўзбекистон ислохотлар йўлидан жадал ривожланишининг янги босқичи сифатида Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилига мутаносиб мўлжалланган вазибалар Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномасида ўз аксини топди. Эътиборлиси, белгиланган бу вазибалар умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, юзлаб янги тақлифлар билан мазмунан бойитилди.**

Аслини олганда барча режалар халқимиз билан бамаслаҳат қилинаётгани демократиянинг энг юқори кўрсаткичидир. Давлат дастуридаги диққатга сазовор бир жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Инсон ҳуқуқлари нуктаи назаридан сиёсий ҳуқуқларнинг энг устувор кўрсаткичи – бу фуқароликка эга бўлиш.

Айнан фуқаролик давлат билан шахс ўртасидаги ҳуқуқий мақомни ўрнатади ва давлатнинг ўз фуқароси ҳуқуқларини ҳимоя қилиши кафолатини таъминлайди. Сўнгги уч йил ичида бу жараён изчил давом этмоқда. Президентимиз тақлифи билан фуқароликка эга бўлиш, ҳеч қандай қўшимча маъмурий чекловлар ва тўсиқларнинг шохснинг юртимиз ҳудудида яшаётганига 25 йил бўлганини инобатга олиб, Ўзбекистон фуқароси, деб тан олишни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Шунинг баробарида инсон ҳуқуқларига кўра, яшаш жойини танлаш ва мулкка эгаллик ҳуқуқини чекловчи, уни камситувчи ҳолатга йўл қўйиш мумкин эмаслигидан келиб чиқиб, прописка талабининг мулкка эгаллик ҳуқуқидан олиб ташлаш инсон эркинликларининг тўлақонли таъминлашига хизмат қилади.

Давлат дастуридаги инсон ҳуқуқларига оид яна бир жиҳатга ҳам тўхталиш ўринли. БМТнинг "Барқарор ривожланиш мақсадлари" деб аталаганди глобал шартномасидаги

2030 йилгача эришиш лозим бўлган биринчи мақсад – бу "Камбағалликнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш" деб белгиланган. Ўзбекистон бу шартномага аъзо, унинг мақсадлари биздаги ривожланиш билан ҳаммаҳангдир. Шу йиллар давомида биз фақат илмий доираларда бу ҳақида гапириб келдик, ва ниҳоят, бу ҳолатни камбағал қатламлар билан ишлашни махсус дастурлар ёрдамида биринчи марта кун тартибига қўймоқдамиз. Халқаро меъёрларга кўра, молиялаштириш манбаларидан қатъий назар, кунига 1 инсонга 1,9 доллар миқдорига маблағ ажратилаётган бўлса, у қашшоқлик даражасида эканлиги тан олиниши ва зудлик билан кўмак берилиши лозим. Йил дастурида айнан шу масалага эътибор қаратилгани ўта муҳимдир.

Дастурнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларимизни рўйбга чиқариш учун имкониятларни кенгайтиришга қаратилган чора-тadbирлари ҳам таълимнинг ҳаммаоб, адолатли, бошқача айтганда, чўнтақбоп бўлишига қаратилгани билан қимматлидир.

Шундай экан, Давлат дастури халқимиз юксалишига ва фаровонлигига хизмат қилиши учун ҳар бири-миз астойдил ҳисса қўйишимиз лозим, деб ҳисоблайман.

Лола САИДОВА,  
юридик фанлари доктори

## СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАЁТГАНЛАР ДОИМО ЭЛ АРДОҒИДА

**Мамлакатимизда тиббиёт, таълим ва спорт соҳаларининг ўзарo уйғун ҳолда ривожлантирилаётгани аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом авлод бўлиб камол топишида муҳим омил бўлмоқда.**

Ўзбекистон болалар саломатлиги муҳофазаланган етакчи мамлакатлардан биридир. Юртимизда навқирон авлоднинг ривожланиши Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

"Соғлом авлод учун" ордени соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ишига улкан ҳисса қўшаётган фидойи юртдошларимиз меҳнатини муносиб рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жамият ҳаётининг турли жабҳаларида юксак натижаларга эришаётган кўплаб юртдошларимиз соғлом авлод тарбиячиларига эҳтиром тимсоли бўлган ушбу мукофотга сазовор бўлган.

Ана шундай бахтиёр аёлларимиздан бири Шахноза Пўлатовадир. Шахноза опа ҳозирги кунда 1-Республика клиник шифохонасининг реабилитация-неврология бўлими мудираси лавозимида ишлаб келмоқда. У мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро андозалар асосида ривожлантириш, соҳага доир дастурлар ижросини муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, илгор хоржий тажриба ва замонавий давлат усулларини амалиётга кенг татбиқ этиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, чуқур билим ва юқори малакага эга мутахассисларни тайёрлаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 ноябрдаги фармониغا биноан II даражали

"Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланди.

– 35 йилдан буён шифокор бўлиб ишламан. Фаолиятим давомида инсонларнинг соғлом бўлиши учун бор куч-ғайратини ишга солганман, – дейди Ш.Пўлатова. – Ўтган йили тиббиёт ходимлари куни арафасида камтарона меҳнатларим юқори баҳолаб, Президентимиз фармони билан Ватанимизнинг юксак нишони – II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирландим. Мукофотни муҳтарам Президентимизнинг қўлларидан олганимда қалбим фахр ва ифтихорга тўлди. Оддий шифокорга шунча эътибор! Фурсатдан фойдаланиб, муътабар оналаримиз, опа-сингилларимизни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан табриқлайман.

Ш.Пўлатова ҳозирги кунда икки қизнинг онаси ва беш набаирининг буви-сидир. Юзлаб дарди бор инсонларни даволаётган шифокор опамизнинг оиласида соғлом турмуш тарзи устувор.

Бугун ҳар бир ўзбек аёли ўз соҳаси бўйича улкан марраларни забт этаётгани сир эмас. Шундай бўлса-да, уларнинг энг асосий мақсади ўрт раванқи учун соғлом авлодни тарбиялашдир. Шу сабабли ҳам соғлом авлод тарбиячилари доимо юксак эҳтиромда.

Ҳар бир халқнинг қудрати, буюклиги кўп жиҳатдан миллатнинг соғломлиги, маънавиятининг юксаклиги, навқирон авлоднинг қандай тарбия тоналанига боғлиқ. Мамлакатимиз ёшлари ҳар соҳада ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмайдиган ҳам. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, салоҳиятини юзага чиқариш, соғлом тарбиялаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Жавоҳир ТОШҲУЖАЕВ

ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиб, аниқланган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясида куну тун фаолият кўрсатилган **12-11 қисқа рақамли "Ишонч телефони", яъни "КОЛЛ-ЦЕНТР"** ишга туширилди.

Ушбу марказ тўлақонли ва тезкор фаолият кўрсатишни таъминлаш мақсадида барча зарур жиҳозлар, замонавий алоқа ва коммуникация воситалари, малакали мутахассислар билан таъминланди.

Халқ билан мулоқотнинг яна бир самарали воситаси бўлган "Ишонч телефони" орқали мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чека қишлоқларда яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин. Мурожаатларда кўтарилган масалалар атрофлича таҳлил қилиниб, уларни ҳал этиш юзасидан тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда тизимли ишлар олиб борилади. Энг муҳими, мурожаатлар ижроси Республика Ишчи гуруҳининг доимий назоратида бўлади.

ЎЗА

## "ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ" – "КОЛЛ-ЦЕНТР" ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тadbирларни амалга ошириш" бўйича Касаба уюшмалари федерацияси мутасаддилигида тузилган Республика Ишчи гуруҳи ана шундай эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Ишчи гуруҳ томонидан ҳозирги кунга қадар Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Хоразм ва Навоий вилоятларида яшаётган хотин-қизларнинг муаммо-

лари ҳар томонлама ўрганилди. Бу жараёнда уларга амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга, мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳал этиш юзасидан туман ва шаҳарлар бўйича "Комплекс чора-тadbирлар дастурлари" ишлаб чиқилди. Ушбу дастурлар парламентимизнинг юқори палатаси – Сенат, Касаба уюшмалари федерацияси ва вилоят ҳокимликлари иштирокида тасдиқланиб, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан амалий чоралар кўрилмоқда.

Ишчи гуруҳининг жойларда хотин-қизларнинг

### "ТОШКЕНТ ОКШОМИ" ВА "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.**  
**Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.**  
**Факс: (371) 232-11-39.**  
**Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

ЎЗА



## ГУЛМИРАНИНГ КАШТАЛАРИ ҲИНДЛАРНИ ҲАМ МАФТУН ЭТДИ

— Сиз нуроталикмисиз, — деди анчадан буюн сўзаларимни кузатиб ўтирган Ҳиндистонлик аёл. Сўнг табиий ипакдан ишланган маҳсулотларни қўлига олиб, унга меҳр билан тикилди.

— Бундан бир неча йил илгари Нурота, Шахрисабз, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда бўлганман, — деди ўзини Шрути хоним, деб таништирган мезбон. — Нуроталик хунарманддан сўзана, чопон олганман. Унга ҳар гал кўзим тушса, меҳмондўст халқингиз ва гўзал шаҳарларингиз кўз олдимда гавдаланади. Ширин таассуротлар қайта уйғонади. Айниқса, уйимга келган дўстлар, меҳмонлар бу сўзанани, чопонни алоҳида қизиқиш билан ҳайратланиб томоша қилади. Уларга Ўзбекистон ҳақидаги хотираларимни сўзлаб бераман. Шу йил яна юртингизга бормоқчиман. Манзилнингизни қолдирсангиз, уйингизга бориб, корхонангиз фаолияти билан яқиндан танишаман.

Бу Ҳиндистоннинг Харьяна штатида ўтказилган 34-халқаро хунармандчилик фестивали иштирокчиси, нуроталик хунарманд Гулмира Исмолова-нинг таассуротлари.

— Очиғи, Ҳиндистонликлар бизнинг маҳсулотларга бу қадар қизиқади деб ўйламаган эдим, — дейди Г.Исмолова. — Фестиваль тугашидан уч кун олдин маҳсулотларимизни харид қилиб бўлишган эди. Мезбонларнинг маҳсулотларимизга эътиборидан, Ўзбекистон ҳақидаги илиқ сўзларидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Шрути хоним билан қисқа суҳбатдан сўнг, биргина сўзана ҳам юртимиз довуғи, унинг бетақдор табиати, қадимий ёдгорликларини дунё бўйлаб кенг ёйиш ва танитишда қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини ту-

шуниб етдим. Хоним меҳмондўст экан, мени уйига ҳам таклиф қилди. Бордим. Ҳиндларнинг столини бежаб турган ўзбек сўзанасини кўриб фахрланиб кетдим.

Гулмирага сўзана тикиши, каштачилик момомерос хунар. У Нурота каштачилиги аънанасини давом эттираётган бешинчи авлод вакили. Ёш хунарманд тиккан кашталарда нафислик, ўткир ва ёрқин ранглар акс этади, нақшлар хилма-хиллиги кишини тўлқинлантиради.

Сўхбатдошимизнинг айтишича, кашталардаги анор, бодом шакли нақшлар серфарзандлик, бахт, меҳр-муҳаббат, тотувлик маъноларини англатади.

— Бу ишнинг мафтункор олами бор. Бир бошласангиз, киришиб кетасиз, ҳеч чарчамайсиз. Аксинча, ишлаган сайин илҳом келверади. Маҳсулотларимизнинг барчаси қўл меҳнати билан яратилади. Кашталарга ишлатилмайдиган ипларни ҳам қадимий услубда тайёрлаймиз. Онамнинг “Сўзаналаринг чиройли чиқишини истасанг, фақат яхши нарсалар ҳақида ўйла, аъло кайфиятда иш бошла, унга қалб кўринг, бор меҳрингни бер, шунда тиккан кашталаринг инсонлар қалбини забт этади” деган сўзлари ҳар доим ёдимда туради, — дейди хунарманд қиз.

“Хунарманд” уюшмаси аъзоси Г.Исмолова 2017 йили “Нур сўзана” миллий каштачилик корхонасини ташкил қилди. Ҳозир бу ерда ўттиздан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Аёллар ко-



стюми, дастурхон, ёстиқ, қўйлак, сўзана асосан буюртма асосида тикилади.

“Нур сўзана” корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам харидоргир. Корхонада хунарманднинг 200 дан ортик шогирди иш билан банд. Бундан ташқари, хунар ўрганиш истагидидаги ёшлар учун тўғрақ ташкил этилган.

У ўз меҳнат маҳсулларида миллий каштачилик ва сўзана санъатида ўсимликсимон ва гуллар тасвири туширилган нақш композицияларини кенг қўллади, анор, аноргул, бодомгул сингари офтоба нақшлар бардавонлигини таъминлашга эътибор қилади. Ҳозир шогирдлари билан сўзана паллақлари, ёстиқ жилдлари, дастурхон, чопон, аёллар либослари, аёллар қўл сумкаси каби маҳсулотларни замонавий кўринишда тайёрламоқда.

Гулмира Исмолова юқорида айтилган Ҳиндистондаги фестивалда буюртмачиларга маҳсулот етказиб бериш бўйича 40 минг АҚШ долларлилик шартномалар имзолади.

Шахноза МАМАТУРОВА,  
ЎЗА мухбири

**Баҳор рассомлар учун табиатнинг энг мафтункор ва гўзал манзараларини шоша-пиша, энтикиб тасвирга туширадиган ўзинга хос ижодий палла.**

## ИЛҲОМ ВА ИЖОДИЙ ПАРВОЗ ҲАФТАЛИГИ

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”га бағишлал жорий йилнинг 20-25 апрель кунлари ўтказилиши режалаштирилган халқаро таъсир ва амалий санъат фестивали санъат муҳлисига завоқ, ижодкорларга эса илҳом улашувчи лойиҳа бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мазкур ҳафталикдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон таъсир ва амалий санъати тараққиётида фаол иштирок этиб келаётган ижодкорларни рағбатлантириш, юртимизда таъсир ва амалий санъат ҳамда дин-зайн соҳаларини янада омалаштириш, ёшларни санъатга жалб этишдир.

Фестивалнинг юқори савидада ўтишида Бадий академия билан биргаликда Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият, Таъқиш ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар, “Тасвирий ойна”, “Хунарманд” уюшмалари, Ўзбекистон ижодкорларни қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси каби ташкилотлар муносиби ҳисса қўлиши кўзда тутилган.

Аънанавий Таъсир ва амалий санъат фестивалининг тантанали очилиш маросими Бадий кўргазмалар дирекциясининг ижодий лойиҳаси билан бошланади. Ҳақим Мирзааҳмедовнинг “Рассом ва шаҳар” деб номланган кўргазмасида рассомнинг ётуллари ва ранг-баранг асарларига кенг ўрин берилди. “Ўзбекистон мини-атюрочилари ижодида, шунингдек, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари асарларида шаҳарлар мавзуси” номли кўргазма давомида ёш рассомларнинг шаҳарсозлиқка доир қизиқарли, ўзинга хос ижодий ёндашуви асосидаги картиналари,

таъсирий санъатнинг турли йўналишидаги ишлари билан танишиш мумкин.

Россиянинг “Невская палитра” бадий буюк заводининг интерактив тақдироти давомида замонавий бадий буюклар, улардан самарали санъат фестивали санъат муҳлисига завоқ, ижодкорларга эса илҳом улашувчи лойиҳа бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

“Дунё болалар нигоҳида” Республика болаларнинг ижтимоий мослашуви маркази томонидан ташкил этилган кўргазмада эса, ижтимоий-тиббий ҳолатидан катий назар, ҳар бир бола ўзига хос бетақдор дунё, бекиёс истеъдод соҳиби эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин. “Менинг шахрим” мавзусидаги бадий кўргазма эса рассомларнинг наинки ўз шаҳрига, балки жондор юртимизга бўлган муносабатини акс эттириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори Собир Раҳметов раҳбарлигидаги “Устахона” лойиҳаси ҳам кўпчилиги учун қизиқарли бўлиши мумкин. Унда мазкур олий таълим даргоҳининг чизматасвир кафедраси педагоглари ижоди билан танишиш имконияти яратилди.

Тадбирлар Бадий кўргазмалар дирекцияси Марказий кўргазмалар зали, Камолитдин Бехзод номидаги Шарқ миниятура санъати музейи, Тошкент Фотосуратлар уйи, Иқоу Хираяма халқаро маданият карвон саройи каби санъат маканларида бўлиб ўтади. Республика иқтисослаштирилган рассомлик мактаби томонидан тайёрланган тарихий либослар намойиши, талабаларининг “ЭГО” илмий-экспериментал конференцияси, уста рассомлар, санъатшунослар, хунармандлар иштирокидаги маҳорат дарслари, ижодий мулоқотлар ҳафталикни ўзига хос баҳс-мунозара, ранг-баранг фикрлар майдонига айлантиради.

Назокат УСМОНОВА

## Қилмиш — қидирмиш

### МАҚСАДИГА ЕТА ОЛМАГАН БОСҚИНЧИЛАР

**Ҳаётда қинғир йўл билан пул топишни маъқул кўрувчи инсонлар ҳам учраб туради. Ўғрилик, босқинчилик йўли билан мўмай даромад топиш илнжида ҳаётларида тузатиб бўлмас хатога қўл уришмоқда.**

Баҳодир Қодиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2019 йил 10 сентябрь куни тахминан соат 19:00 ларда Сергели ярмаркаси олдида таниши Алишер Бақиров билан кўришиб қолди. Иккиси деярли тенгдош, ёшлари 28-29 ёш атрофида.

У ёқ, бу ёқдан гаплашишди. — Пулдан қийналанман, — деди Алишер. — Минг доллар қарз олганман, шуни узишим керак. Нима қилсам бўлади? Қандай қилиб бўлсаям соққа топишим керак.

— Буни битта илжоди бор, — деди Баҳодир.

— Қандай қилиб? — Ҳўп, десанг шу маҳаллада бир боининг хонадонини биламан, уйига бостириб кириб, пулни оламин, эрталаб тўқиздан кейин эри ишга кетади, шу пайт бориб, кўрқитиб, пуллари қўлга кирит-сак бўлади.

Алишер илгари судланган эмасми, бунақа ишларни ҳадисини олган, катта пулни кўз олдига келтириб, бу таклифга рози бўлди.

Икки таниш илнжини кўришига келишиб хайрлашди. Бу орада Алишер таниши Жамилга кўнғироқ қилиб машинасида хизматда бўлишини, рози қилишини тайинлаб қўйди.

Улар 12 сентябрь куни соат тахминан 09:00 ларда биргаликда олдиндан белгиланган уйга кириш учун мактаб биноси олдида учрашди.

Баҳодир мактаб олдига келганида уни Алишер, Жамил, Парпи деган йигитлар кутиб туришган экан. У Алишери четроққа тортиб, алоҳида гаплашиб олди. Жамил ва Парпи уларни кутиб турдиган бўлди. Баҳодир Алишер билан мўлжаллаб қўйилган уй томон юрди. Улар учинчи қаватга кўтарилди. Баҳодир йўлакда юзига қора ниқоб тақиб, бошига кепка кийиб олди. Қўлида электрошокер. Алишер секин мўлжалдаги хонадон кўнғирогини босди.

— Ким у? — ичкаридан аёл кишининг овози келди.

— Кўшнингизман, калитни сизга қолдириб кетмоқчи эдим, — деди Алишер ёлгондан.

Эшикни хонадон бекаси очди. Шу пайтда Баҳодир ичкарига

қадам босиб, бирдан аёлга қараб отилди, шокка тушиб қолган бека ерга йиқилди. Баҳодир аёлнинг овози чиқмаслиги учун қўли билан озгини беркитди. Электрошокерни ожизанинг бел қисмига босди.

— Ёрдам беринг, — хонадон бекаси эрини ёрдамга чакирди.

Шу пайт хонадон ичидан бир эркак югуриб чиқиб, Баҳодирнинг бошига оёғи билан теппди. Бу сониялар ичиде бўлдики, ўғри боланинг кепкаси бошидан учиб кетди.

Баҳодир аёлни қўйиб юбориб, электрошокерни эркакка қаратди. Эркак ҳам ажир экан, бирдан ўғрининг қўлига теппди.

Электрошокер хонадон ичкари-сига учиб тушди.

Катта бойлик умидида келган қароқчилар қочишга мажбур бўлишди.

Пастда машинасида уларни кутиб турган Жамил ва Парпи йигитларнинг тез қолиб кетишаётганидан ҳайрон қолишди. Уларни ораксидан юриб, топишолмади. Бир оз вақт ўтган Баҳодирнинг ўзи Жамилга кўнғироқ қилиб, уни олиб кетишини илтимос қилди.

Улар Жамилнинг автомашинасида Сергели даҳасида жойлашган канал бўйига боришди. Баҳодир ҳеч ким сезмаслиги учун уст-ки киийимларни сувга ташлаб юборди...

Жамил ҳайрон, Баҳодирдан нима учун бунақа қилганини сўраганида, иши бўлмаслигини айтди. У машинасида йигитни авто-салон олдига ташлаб қўйиб, йўлига равона бўлди...

Шу кун тушликдан сўнг ички ишлар ходимлари Баҳодир Қодировни яшаш манзили олдида қўлга олишди.

Судга оид тиббий экспертизанинг ҳулосасига кўра, Т.Салимовда “икки тизза бўғимларида қон-танлашлар, ўнг томон кўкрак соҳасида яра тан жароҳатлари” борлиги, бу тан жароҳатлар огирлик даражасига кўра соғлиқнинг қисқа муддатда бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳатлари туркумига кириши аниқланди.

Ш.Узоқовада ҳам “ўнг томон елка соҳасида қўллаб қонталашлар ва яралар борлиги”, бу тан жароҳатлари огирлик даражаси-

га кўра соғлиқнинг қисқа муддатда бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳатлар туркумига кириши аниқланди.

Суд мажлисида эр-хотин судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини, уларга енгилроқ жазо беришларини сўради.

Суд судланувчи Б.Қодиров ва А.Бақировга жазо тури ва миқдорини тайинлашда нисбатан мақсадларда жиноят содир қилганини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони огирлаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, айбиға тўлиқ икдорлиги, қилмишидан чин кўнғилдан пушаймонлиги, турар жойдан ижобий таъсирланиши, ёши, жабранувчининг судланувчига моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олди. Юқоридеги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мажмуини жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, судланувчиларга маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган кафолат хатини ҳамда жиноятнинг хусусият ва ижтимоий ҳавфлилик даражасини инобатга олган ҳолда уларга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, санкцияда назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини энг кам қисмидан ҳам қароққ тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади.

Б.Қодиров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилишда айбли деб топилди. Унга ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

А.Бақировга ҳам ЖКнинг худди шу моддалари билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Жиноятчиларга жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиш белгиланди.

Гофур АМОНОВ,  
Жиноят ишлари бўйича Сергели тумани суди судьяси

## Мулоҳаза

### БОЛАНГ АЙТГАНИНГНИ ЭМАС, ҚИЛГАНИНГНИ ҚИЛАДИ

**Ҳар қандай тақлиднинг замирида шахснинг ўзлигини англамаслиги ётади. Шахснинг ўзлигини англамаслиги замирида эса илмсизлик ётади.**

Бугунги кунда давримизнинг ижтимоий-маънавий муаммоси бўлган “оммавий маданият” хуржи айнан қаердан келиб чиқди?

Ёшларимизнинг, фарзандларимизнинг дунёқарашлари қайқа қараб кетаётганлиги ва уларнинг қилмағарга эрга-шаётганлиги бугунги кунимизнинг энг муҳим, энг долзарб, энг огирлики муаммосидур!!!

Ёшларимизнинг “оммавий маданият” таъсири остида бузилиш ҳалокатида турган маънавий қиёфасида биз катталарнинг ҳам КАТТА айбимиз бор. Машҳур Немис шоири ва доғишманди Гётенинг бир машҳур ибораси бор. Гёте айтдики: “Миллатни кутқариш учун аслида кўп нарса керак эмас. Ота-она ва ўқитувчи қиёфа қилади ҳолос”. Шу ўринда бир ҳақиқат савол туғилади. Шу бугунги кунда “оммавий маданият” хуржиги йўриқдан бу тельба-тескари оқимда оқинга ураган ҳасдек, ноҳор ахволга тушган бугунги ёшлар-ўспирин йигитчалар, ўспирин қизалоқлар бошқа сайёрадан келиб қолмаганларку?!!

Улар айнан бизнинг кўз ўнгимизда улғайиб шу ахволга тушмадиларми?

Демак уларнинг руҳиятидаги маънавий бўшлиқни бизнинг тарбиямиз эмас, “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ўз савз жозибаси билан тўлдирган экан, бунга юздан тўқсон тўққиз фоиз биз айбдоримиз. Қадимги Урхун-Энасий биттиклариде: “Боланг айтганингни эмас, қилганингни қилади”, деб битилган экан. Демак, бизнинг кичик хатола-римиз ҳам, уларга катта ўрناق бўлади. Тўйларда ўзини билмайдиган даражада ўлардек ичиб, рақоса билан ўйнаётган ширакайф ота, қандай қилиб ўлига одобдан сабоқ бера олади? Уйда, кун бўйи олди-қочди сериалларни томоша қилиб, кечгача телефон ва гийбатдан бўшамайдиган, кечкурун эса ишдан чарчаб келган эри билан шангилаб, озгидан боди кириб, шоди чиқиб, беҳаё ҳаракатлар билан урушадиган она қизига ҳаёдан ўрناق бўла олди деб айта оламизми? Хар бир миллатни миллат қиладиган, унинг миллий қиёфасини, миллий бутунлигини таъминлайдиган улуг оидларнинг бўлади. Шу қадриятларга дарз кетган, миллатнинг руҳи индан емирлади. Уша миллий руҳни, уша миллатнинг руҳий қиёфасини таъминлайдиган миллий қадриятларни ёшларнинг онгига дарз етқизмай синдириш биз катталарнинг, энг аввало ота-оналар ва ўқитувчиларнинг фидойилигига боғлиқ.

Яқинда, facebook ижтимоий тармоғида 17-16 ёшли қизлари бор ўй бекаси бўлган онанинг турли хил кўри-ниш ва ҳолатдаги суратларига кўзим тушди. “Мен селфи қилишни севаман” деган мазмундаги суратларга қараб туриб, юрагимни аччиқ бир ўй тирнаб ўтди. Ўзини минг қўлга солиб, суратга тўшаётган (яни ўзининг ибораси билан айтганда, “селфи қилаётган”) бу она қизларга: “селфи қилманг”, деганда ҳам унга қизлари қулқ соладими?

Мана сизга масаланинг огирлиги нўхтаси. Балогатга этиб-етмаган қизалоқларнинг ўз ўта шахсий худуди бўлиши ётқоҳоналарида туриб, барча-барчага ҳавойи ўпичлар йўллашларида селфини яхши кўрадиган онажонларнинг ҳиссаси йўқ девамизми? Яқинда, ижтимоий тармоқларда Венгрияда 16 ёшли бир ўспирини жуда катта тезликда кетиб бораётган поеззд устига чиқиб селфи қиламан деб триклайин ёниб кетгани ҳақида ўқидик. Бугунги кун ўспиринларнинг деярли қўндалик турмуш тарзига айланган улгурган селфи-рельфи деган бекорчи беъманиликларига ўз вақтида ёндашиб нўкта қўймасак, бу одат бориб-бориб улкан фожеаларни келтириб чиқаради. Том маънода соғлом, маънан баркамол фарзандлар соғлом оилаларда тарбияланади.

Соғлом ва маънан етуқ фарзандларни, маънан етуқ ота-оналар дунёга келтирадиганлар. Соғлом руҳиятни соғлом муҳит шакллантиради.

Соғлом муҳитни эса биз шакллантирамиз, яъни, шу жамиятнинг хар бир онгли фуқароси соғлом муҳит шаклланишига ўз ҳиссасини қўлиши шартдир. Аслида муҳит бу бизнинг ўзимиз, бизнинг оламага бўлган муносабатимиздир. Бизнинг жамиятга ўтказадиган маънавий-ахлоқий таъсиримиз бу муҳитдир!

Маънавий-ахлоқий қарашларимиз, ижтимоий-сиёсий принципларимиз, руҳий-ботиний эътиқодимиз бу муҳитдир. Ҳақиқат кичилик жамияти оилалардан иборат бўлган. Ўз оиласини ташқи салбий таъсирлардан қўчи маънавий-ахлоқий қадриятлар мезони билан ҳимоялаб, соғлом бошқарган ота-она эса, ўзинга тириклик чоғидеъ хайқал яратган буюк меъмордир.

### Ҳазрат Навоийнинг:

Ранж кўрмай қили топарму фарог,  
Бағри ўртанмайин ёнарму чарог.  
Туҳму ера кирдию, чечак бўлди,  
Курт ёқондан кечиб, ипак бўлди.  
Шу лола туҳмина гафратинг йўқми?

Бир пилла куртча ҳимматинг йўқми?! деган нодир сатрларида айтилганидек, фарзандлар тарбияси йўлида бугун хар қанча фидойи бўлсак эртага бунинг мевасини кўраемиз. Хар қандай сускашликка йўл қўйсак бунинг ҳам жазосини олмай қолмаймиз. “Кўш ўқиса кўрганини қилади”, деган нақл бежизга айтилмаганку. Токи биз катталар ўз маънавий оламимизда “оммавий маданият”га қарши кураш имунитетини шакллантирмаган эканми, ёшларимиздан бу хурўддан мулқо асраб қолмаймиз. Жаҳолатга қарши маърифат билан “оммавий маданият”га қарши эса миллий қадриятларимизга асосланган юксак маънавият билан курашмоғимиз шартдир.

Уролбек ЧУТБОЕВ

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ташкент шаҳрида 10 март куни ҳаво ўзгариш турлари, ёлғичарилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси 0-2 даража илқ, кундузи — 12-14 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 10 мартда Ташкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифлослиқни даража пас т бўлади.